

1920 йил декабр охирларида машхур муаллим ва мухаррирларимиздан Шокирхоний ўрток дунёдан ўтди. Бу киши ўзининг калами билан танилган бир кишидир. Бу кишининг шеърлари Оренбургда чиқадиргон «Шўро» мажалласида ва Туркистон газеталарида босилар эди.

Инкилобдан бурун Фарғонада муаллимлик қилгон, инкилоб бошларинда ўзининг мақолалари билан Фарғона газеталарини беаган. «Ким қози бўлсун?» деган асарини шунда ёзгон. Ҳукумат ишчилар қўлига ўтгандан кейин Самарқандга қелиб меҳнатқашлар газетасига мухаррирлик қилиб, ёзгон мақолалари билан халқни ўзига жалб қилгон. Шу чоғларда «Сўсийелизм нимадир?» деган асарини ёзгон. Қурамаларда ва дорулмуаллиминда муаллимлик қилгон. «Турк тилининг усули таълими» деган қитобини ёзгон. Асқарлик вақтинда қил қасалига йўлуқгон. Бора-бора шу қасали қучайиб, иш қилолмас даражага қелиб, Дизахга боргон ва Дизах қасалхонасида уч ой қамаси ётгондан кейин дунёдан ўтган.

Шоқирали Мухторийнинг хизматлари қоят тақдирдир. Ўз қасалининг ёйилқонига қарамасдан қеча-қундуз ишлади, тиришди, ўзининг ақлидан бир неча йил бурун ўлишга сабаб бўлди. Шоқирали Мухторий оддий бир мухаррир, анқайин бир муаллим эди. Леқин бизга — қорни билан қурақини айира олмайтургон туркистонлиларга — фарқли бир киши эди.

У ўлғач уни ўрнига қолатургон бир муаллим, у қетғач, ўрнини босатургон бир мухаррир қолмаслиги учун тоқилмас бир киши эди.

Ай буюқ ишчи! Тинч ёт сағанангда, сенинг қилгон хизматларинг эсдан қикмас, сенинг қекқан захматларинг унутилмас. Сен ўз бўйнингга юқланган вақифанғни адо қилдинг. Қошки сендек қишиларимиз бир неча бўлса эди. Ўзининг кейин қолгон халқи учун умридан қечатургон қишилар қошки тоқилса эди. У вақт сенинг тутган йўлинг очикқок бўлар эди. Тиқилган юлдузингга тезроқ етишар эдик. Хар қолда сен шуқратлисан. Мақола «Меҳнатқашлар товуши» газетасининг 1921 йил 12 феврал қониди босилган.